

ЁШЛАРДА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Мирсалихова Гузал Алоутдиновна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчisi

Аннотация: Экстремизм ва ақидапаратликнинг ёш авлод онги ва тафаккурига таъсири, уларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш сабаблари ва бу борада мавжуд муаммолари ўрганилган. Экстремизм оқимига жалб этилган ёшларнинг ушбу жиноят қурбони бўлиши билан бирга, жиноят содир этиш воситасига айланиб қолаётганлиги билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора тадбирлари бўйича миллий тизимни янгича ва самарали тарзда шакллантириш зарурати ақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: терроризм, экстремизм, ёллаш, кибермакон, вояга етмаганлар, тавсиф, аниқлаш, фош этиш, педофилия, болалар порнографияси, халқаро ҳамкорлик, трансмиллийлик.

НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ИММУНИТЕТА ПРОТИВ ЭКСТРЕМИЗМА У МОЛОДЕЖИ

Аннотация: Изучено влияние экстремизма и догматизма на сознание и мышление молодого поколения, причины их попадания под влияние чуждых идей и существующие в этой связи проблемы. Были высказаны мнения о необходимости формирования новой и эффективной национальной системы мер по предотвращению проблем, связанных с тем, что молодежь, вовлеченная в экстремизм, становится не только жертвой этого преступления, но и орудием совершения преступлений.

Ключевые слова: терроризм, экстремизм, вербовка, киберпространство, несовершеннолетние, описание, выявление, разоблачение, педофилия, детская порнография, международное сотрудничество, транснационализм.

DIRECTIONS OF FORMING IMMUNITY AGAINST EXTREMISM IN YOUTH

Abstract: The influence of extremism and dogmatism on the consciousness and thinking of the younger generation, the reasons for their falling under the influence of alien ideas, and the existing problems in this regard were studied. Opinions were expressed on the need to form a new and effective national system

of measures to prevent problems related to the fact that young people involved in extremism are not only victims of this crime but also instruments of its commission.

Keywords: terrorism, extremism, recruitment, cyberspace, minors, description, identification, exposure, pedophilia, child pornography, international cooperation, transnationalism.

Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда. Бугунги кунда турли сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида ислом динидан фойдаланилаётганлиги ўз навбатида, ёшларнинг айрим экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётганликлари ва бунинг натижасида турли хил ижтимоий муаммолар, давлат ва жамият хавфсизлигига путур етказувчи таҳдидларни келтириб чиқараётганлиги бизни ташвишга солмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Суд хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадини: “Инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди. Биз келажакда эл-юртимизнинг ишончли ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак” деган фикрлари орқали, давлат ижроия органлари хизматчиларининг олдида турган энг катта вазифа аввало халққа ва унинг тинчлигига хизмат қилиш эканлигини кўп бора таъкидлаб келмоқдалар.

Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски қўпчиликни ташкил этмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда.

Республикамизда эътиқод эркинлигини таъминлаш масаласида барча имкониятлар яратиб берилган бир шароитда, маккор ва қўпорувчи кучлар, диний мутаассиб гуруҳлар ўз қабиҳ режаларини амалга ошириш йўлида халқ ичida бузғунчи ғояларни тарқатишга уринмоқдалар.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Аёллардан эса, келгуси авлодни шакллантириш мақсадида фойдаланмоқдалар.

Бунинг сабаби айнан ёшлар давлатимиз келажагини, миллатнинг эртанги куни, тараққиётини белгилаб беради. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлиб, ўртacha ёш 24 ни ташкил этади. Шунингдек, 37 миллиондан ортиқ аҳолимизнинг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қиласди.

Айни пайтда, жиддий масъулиятдан озод бўлган ўсмирлар учун шахсий тажрибанинг етишмаслиги табиий ҳолатдир. У соддадиллик ва хаёлпастлик билан ёнма-ён келади. Шу билан бирга, ёшлар наздида атрофда кузатилаётган адолатсизлик натижасида юзага келадиган зўриқиши йўқотишда фақат биргина йўл – “буюк ғоя”ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан ҳаммаслак бўлишни танлашга мойиллик юзага келади. Бу йўл ўсмирни диний мутаассиб оқимларнинг домига тортилишига олиб келиши мумкин.

Яна аниқ далилларга қайтамиз. Маълумотларда қайд этилишича,

2024 йилда диний экстремистик ташкилотлар таркибида конституциявий тузумга қарши жиноят содир этган шахсларнинг 61% ни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Ушбу рақамлар ҳам диний экстремистик ҳаракатлар ёшларнинг руҳий хусусиятларини инобатга олиб, уларга ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида алоҳида эътибор билан қараётганликларини кўрсатади.

Ҳар қандай диний мутаассиб оқим “ўлжа”сининг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ўз таълимотини жозибадор қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди. Одамларнинг бундай оқимлар таъсирига тушиб қолиши, шунингдек, одатдаги ахборот доирасидан ташқарига чиқадиган турли шов-шувларга ортиқча эътибори билан ҳам белгиланади. Бундай эътиборни бугунги кунда кенг тарқалаётган ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар озиқлантириб туради. Турли ахборот манбаларининг доимий таъсири остида бўлган бир пайтда инсон ғайриилмий, сохта диний ғояларни қабул қилишга мойил бўлиб қолади.

Экстремистик гуруҳларнинг асосий мақсадлари зўравонлик ва алдаш усуслари билан сиёсий ҳокимиятга эришиш бўлиб, бу йўлда гуруҳ етакчилари оддий аъзоларни бемалол қурбон қилиб юбормоқдалар. Бунинг натижасида мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрнидан, ҳатто ҳаётидан ажрамоқдалар.

Бундай шахсларни ҳар қандай топшириқни ҳеч иккиланмасдан бажариш даражасига олиб келиш учун эса синалган услублардан фойдаланмоқдалар.

Жумладан, “оз-оздан” технологияси асосида фақат биргаликда намозга бориши, дам олиш қунларини бирга ўтказиши, фақат бир ҳафта кечкурунлари бирга диний адабиёт ўқиши, жамоанинг йиғинларида қатнашиши, фақат бир марта варақа тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган шахсни жиддий ёнбосишига мажбур қилиш йўлидан борилади.

Шунингдек, доимий “мия ювиш” воситасида жамоанинг ғояларини амалга ошириши ёлланаётган кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади.

Сўнгра “гуруҳ орқали таъсир этиш” услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан “кўмиб” ташлайди.

Айни пайтда, ёлланаётган шахсга бетиним янгидан янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътиroz билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши “ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан”, – деган хаёлдан йироқ бўлиши лозим. Чунки қўпчилик мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усувларидан фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар.

Ёшларнинг экстремистик оқим ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолишини сабабларини бартараф этиш учун уларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларни билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шоншухрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. “Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!” деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Ҳозирги даврда жаҳондаги давлатларнинг ярмидан кўпи диннинг давлатдан ажратилганини ёки давлатнинг диний ташкилотга нисбатан бетарафлигини ифодалайдиган, Конституция ёки бошқа қонун даражасида белгилаб қўйилган қоидаларга эга. Юридик тан олингани ёки олинмаганидан қатъи назар, барча давлатлар дин ва эътиқод эркинлигига ҳурмат билан қарашларини эълон қилганликларини таъкидлаш зарур.

Дин ва жамият ҳаётидаги алоқадорликда дин ва давлат муносабатини белгилаб берувчи тамойил – дин соҳасида кечеётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва ундан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади. Дарҳақиқат, дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат масаласи инсоният тарихининг барча даврларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти мазмуинини ташкил қилувчи ушбу икки таркибий қисм ўртасида муросага эришиш ҳар қандай жамиятнинг мавжуд

ҳолати ва истиқболини белгиловчи бош мезон бўлиб келган. Баъзан ушбу икки омил ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, мамлакатларни тўс-тўполонлар ва жаҳолат гирдобига тортган. Ўрта асрлар Европасида амал қилган, ваҳшиёна жазолар ва қийноқларнинг тимсолига айланган инквизиция даври бунга мисол бўла олади.

“Ўқувчи-талабаларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантириш бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари олдида турган энг мураккаб ва муҳим вазифалардан биридир. Унинг муваффақиятли ҳал этилиши икки муҳим омилга боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биринчи Президентимиз Ислом Каримов асарларида таъкидланганидек, “... ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасидаги мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак”. Демак, динлар ҳақидаги мантиқий асосланган билимларни шакллантириш ва дунёвийлик тушунчасини чуқурлаштириб бориш ёшларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантиришнинг икки қутби ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳар йили 1 миллион бола фаҳш ва порнографик материаллар ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқаришда эксплуатация қилинади. Уларнинг кўпчилиги мажбурланган, йўлдан урилган ёки болалар савдоси қурбонларидир.

Экстремистик гурухлар ҳам ёшлардан ўзларининг ғаразли мақсадларида жуда кўп фойдаланадилар.

Жумладан, “Толибон” ҳаракати ўз фаолияти давомида ёшлар ва аёлларнинг илм олишига қарши қаттиқ кураш олиб боради. Шу сабабли ҳам уларнинг босқинчилик объектлари мактаблардан иборат бўлган. Афғонистон Маориф вазирлигининг маълумотларига кўра, “Толибон” ҳаракати биргина 2007 йилда мамлакатда 98 мактабни ёқиб юборишган, 147 нафар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига зомин бўлишиб, улар томонидан 236 маротаба ўқувчиларга ҳужум уюштирилган.

Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний мутаассиблик хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, ҳийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий хушёрликни талаб этади.

Минг афсуски, диний саводи паст бўлган айрим кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Жоҳиллик

ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан бирига айланди. Мамлакатимиз ҳудудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, интернет тармоқларида тарқатилаётган материаллардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб диний экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Бундай кучлар ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уринмоқда.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний экстремизм ва мутаассибликнинг асл қиёфасини очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишида катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожи ёшларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўлами минг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ, бу ресурсларни ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-аҳлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Айнан шу тараққиёт воситасидан усталик билан фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда.

Бунда экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузишни асосий вазифасига айлантирган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-30 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Улар психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб бораётган сұхбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда

“нишон”га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг “Facebook”, “Odnoklassniki”, “Vkontakte”, “Telegram”, “Twitter”, “WhatsApp” каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлари орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) жўнатилиб, ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли қўринишдаги бузғунчи “фатво”ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қиласди. Ёшлар катта куч ҳисобланади, уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нима сингдирилса, тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузогига илинтиришга ҳаракат қиласди. Улардаги ишонувчанлик, куч-ғайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади.

Шунинг билан бирга, бугунги кунда аксарият ёшларнинг қўлида интернетга уланган замонавий уяли алоқа воситалари мавжуд. Бу ҳол уларнинг юқорида санаб ўтилган турли хил ижтимоий тармоқларга бевосита уланиш, дўстлари ва танишлари билан узлуксиз мулоқот қилиш имконини беради. Айни пайтда статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда энг кўп юклаб олинаётган дастур ичида “Telegram”, “INSTAGRAM” ва “Facebook” “WhatsApp” тармоқлари етакчи ўринни эгаллайди. Илм-фаннинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу кашфиётлар дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Бироқ, мазкур тармоқларда миллатлар ва динлар ўртасида адватни келтириб чиқарувчи, низоли вазиятларга сабаб бўлувчи, шунингдек инсонлар орасида ваҳима уйғотишга қаратилган иғво, фитна-фасод хабарларнинг кенг тарқатилаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Айниқса, ёшлар ўртасида урфга айланган мазкур мулоқот тизимидан экстремистик оқим аъзолари ҳам унумли фойдаланмоқда. Чунки интернет орқали алоқа боғлашнинг осонлиги, фойдаланувчилар сонини қўплиги, алоқани анонимлиги, ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чекланганлиги, ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши, фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги террорчи гуруҳлар учун ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришнинг қулай жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соғ диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали “жиҳод”, “такfir”, “шаҳидлик”, “ҳижрат” тушунчаларини нотўғри талқин этган ҳолда ўз Ватанларини тарқ этишга уринмоқда. Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли равишда ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асоссиз ахборотлар,

манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолавҳалар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси қўрсатилмаган, асоссиз ахборот ва маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўrona қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, дунёning турли минтаقا ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиласизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асрар учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2022. –Б. 325.
2. Таштемиров А., Хўжамбердиев А. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги хуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 4-12.
3. Таштемиров А. А., Комилов А. М. й. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.
4. Таштемиров А., Юлдошев Х. Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.
5. Убайдуллаев К. Н., Эргашев Ш. Т. Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг айрим масалалари //PEDAGOG. – 2022. – Т. 5. – №. 7. – С. 778-782.
6. Aliqulovich T. A. Atxam o’g’li MX Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o’tkazish jarayonidagi ishtirokining oziga xos xususiyatlari //O’zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 24. – С. 230-235.
7. Убайдуллаев К. Н., Эргашев Ш. Т. Кибертерроризм-опасная форма терроризма //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 17. – №. 4. – С. 3-8.
8. Тоштемиров А. Киберфиригарлик билан бөглиқ жиноятларнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – С. 11.
9. Убайдуллаев К. Н. Содействие граждан оперативным подразделениям органам внутренних дел как основа оперативно-розыскной деятельности //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 63-72.

10. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
11. Убайдуллаев К. Н. Ўзбекистонда қуролли можаро ҳудудларидан қайтганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш масалалари //So ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2024. – Т. 7. – №. 12. – С. 121-128.
12. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.
13. Убайдуллаев К. Н. Жиноят процессида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 62-70.
14. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш ўйналишлари //So ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.
15. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 141-146.
16. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза-ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O’zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
17. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.
18. Tashtemirov A., Po’latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
19. Мирсалихова Г. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 214-217.
20. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O’zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
21. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

22. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
23. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини хуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.
24. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.
25. Мирсалихова Г. А. Баҳодиров ААЎ Озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг хуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.
26. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
27. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг хорижий давлатлардаги илғор тажрибаси //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – С. 112-119.
28. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
29. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари //Models and methods in modern science. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 78-86.
30. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 35-40.
31. Mirlsaliyeva G. Shodiyev S. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o ‘ziga xos xususiyatlari //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-168.
32. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
33. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари //O’zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 116-123.
34. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги

//Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

35. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2024. – Т. 5. – №. 46. – С. 291-300.

36. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг хукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

37. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ва хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 38-47.

38. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

39. Мирсалихова Г. А. и др. Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш фаолиятида илғор хориж тажрибасини қўллаш амалиёти //Pedagogical sciences and teaching methods. – 2024. – Т. 4. – №. 40. – С. 105-113.

40. Таштемиров А. А. и др. Жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг ташкилий жиҳатлари //Scientific aspects and trends in the field of scientific research. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 124-131.

41. Мирсалихова Г. А., Баҳодиров А. А. Ў. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг хукуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

42. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

43. Таштемиров А. А. и др. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва божхона хизмати ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари //Innovative achievements in science 2024. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 124-132.

44. Aliqulovich T. A. et al. Bolalarni tarbiyalash va ta'lim berishdagi majburiyatlarini bajarmaslik: huquqiy va ijtimoiy jihatlari //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2025. – Т. 3. – №. 36. – С. 46-54.

45. Тоштемиров, А. (2022). История возникновения и развития преступлений, связанных с кибермошенничеством. Общество и инновации, 3(11/S), 95–102. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp95-102>.